

Тилингизга эҳтиёт бўлинг!



15:00 / 16.01.2022 2919

Умар розияллоҳу анҳу қўли шол бўлиб қолган кекса кишини кўриб, ундан "Қўлингга нима бўлди?" деб сўрадилар. У "Отам жоҳилият даврида "Қўлинг шол бўлсин!" деб дуоибад қилгандилар. Шундан кейин шол бўлиб қолган" деб жавоб берди. Бу гапни эшитган Умар розияллоҳу анҳу "Оталарнинг жоҳилият давридаги дуоси шундай бўлса, Исломга кириб, мусулмон ҳолда қилган дуоси қандай экан-а?!" дедилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч дуо мустажобдир. Уларда шак йўқ. Ота-онанинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси», дедилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизийлар ривоят қилишган.

Ота-онанинг фарзанди ҳаққиға қилган дуоси ижобат бўлиши ушбу ҳадисда баён этилмоқда. Демак, ота-оналар фарзандларини нима деб дуо қилсалар, дуои хайрми ёки дуоибадми, ижобат бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари ҳаққиға дуоибад қилишдан сақланиб, хайрли дуо қилишлари лозим.

